

SOHIBQIRON YULDUZI

ижтимоий-тарихий, илмий ва оммабоп журнал

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ

АЪЗОЛАРИ:

академик Акмал Саидов
академик Анатолий Сагдуллаев
академик Дилором Юсупова
Сирожиддин Саййид
проф. Абдурахим Эркаев
проф. Қаҳрамон Ражабов
проф. Юлдуз Эргашева
проф. Баҳодир Эшов
филол.ф.д. Нафас Шодмонов
Тўлқин Ҳайит
т.ф.д. Г.Мўминова
проф. Шокир Гаффоров
филол.ф.д. Хўжамурод Жабборов
филол.ф.д. Дамин Тураев
т.ф.н.доц. Акрам Ҳасанов
т.ф.д. Раъно Тўхтаева
ф.ф.н.доц. Саодат Муминова

Бош муҳаррир:

Очил Бўриев

Масъул котиб:

Азизбек Норов

Намр учун масъуллар:

Равшан Тўхтамишев

Илҳом Тогаев

Саҳифаловчи:

Баҳодир Мусоев

МУАССИС:

SOHIBQIRON SHULASI M.CH.J.
Қашқадарё вилоят матбуот ва ахборот
бошқармасида 2012 йил 12 мартда
14-076 рақами билан рўйхатга олинган.
Журнал йилда 4 мартаба чоп этилади.
Журналдан қўчирма олинганда манба
қайд этилиши шарт.

Манзилимиз:

Қарши шаҳри, Мустақиллик шоҳ кўчаси,
2-уй. Телефон: 91.466.80.32

Теришга 12.01.2023 йилда берилди.

Босишга 28.03.2023 йилда рухсат

этилди. 28.03.2023 йилда босилди.

Бичими 70x100 1/16. 10,0 босма табоқ.

Адади 100 нусха. Буюртма №109

Журнал «Photo Express» ишлаб чиқариш
корхонаси босмахонасида чоп этилди.


Босмахона манзили:

Қарши шаҳри Мустақиллик шоҳ кўчаси, 22-уй.

Электрон манзилимиз:

sohibqiron_jurnali@mail.ru

2022 йил №1 сон (51)



2023 йил «Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили»

Журнал таниқли шоир, маънавият
жонкуяри (марҳум) Исмоил Тўхтамишев
ташаббуси билан ташкил этилган.
2010 йилдан чоп этилади.

Журнал Ўзбекистон Республикаси Вазирлар
Маҳкамаси ҳузуридаги Олий Аттестация
Комиссияси раёсатининг 2018 йил
29 декабрдаги 260/7-сонли қарори билан
«Тарих» фанлари бўйича илмий журналлар
рўйхатига киритилган.



MUNDARIJA

TARIHSHUNOSLIK

Очил БЎРИЕВ, ZAHIRIDDIN MUHAMMAD BOBUR TAVALLUDINING 540 YILLIGIGA BOBUR MIRZO TAVSIFIDA O'ZBEK MILLIY KURASHI VA ZAMONAVIYLIK.....	6
Шарофат Ашурова, ТАБИБ ФОЖИАСИ.....	12
Ж.Бегалиев, O'ZBEKISTONDA ILI-FAN SOHASIDA MUALLIFLIK HUQUQI TARIXI.....	22
А. Р. Маматалиев, ZAMONAVIY TARIXSHUNOSLIKDA FARG'ONA VODIYSI MODDIY MADANIYATINING O'RGANILISHI (KIYIMLAR MISOLIDA).....	30
Д.Васиева, OLIY TA'LIM TIZIMINI TAKOMILLASHTIRISH VA INNOVATSION YONDOSHUV.....	38
Низомов Х., Оромов Ш. O'ZBEKISTON VA TURKMANISTON HAMKORLIGINING SIFAT JIHATDAN YANGI BOSQICHI..	44
О. Normatov, TURKISTON, BUXORO VA XORAZM RESPUBLIKALARIDAGI AYRIM IJTIMOIIY-SIYOSIIY JARAYONLAR XUSUSIDA.....	49
Ш. Сулаймонова, YURTGA SADOQAT BILAN XIZMAT QILGAN INSON.....	55
К.Қаюмова, TOJ SALMONIY "TARIXNOMA" ASARI XALIL SULTON FAOLIYATIGA DOIR MUHIM MANBA SIFATIDA..	61

ТАДҚИҚОТ

R.Shaymatov, O'RTA ASRLAR TARIXIDA SUV INSHOOTLARI IQTISODIYOTNING MUHIM TARMOG'I.....	68
Ю.Манзаров, MUNZIM VA UNING JADID HAMKORLARI O'RTASIDAGI MUNOSABATLAR.....	72
Х.Низомов, Қ.Худоёров, O'ZBEK VA TOJIK XALQLARINING MA'RIFIY ISHLAR SOHALARIDAGI HAMKORLIGIDA MILLIY-MADANIY MARKAZLARNING ROLI.....	76
S.Amirov, EKOLOGIK TA'LIM VA TARBIYA.....	82
B.Rizayev, HAJVNAVIS IJODKOR USLUBI VA UNING POETIK O'ZIGA XOS MUAMMOLARI.....	84
M.Kamolova, N.Shodmonov, ALISHER NAVOIY " XAMSA"SIDA SHIRIN, LAYLI OBRAZLARI.....	90



O'ZBEKISTONDA ILI-FAN SOHASIDA MUALLIFLIK HUQUQI TARIXI

Ж.Бегалиев,
Чирчиқ давлат педагогика университети

Kalit so'zlar: муаллифлик ҳуқуқи, илм-фан, илмий кашфиёт, давлат арбоби, дарслик, кашфиётлар, қўлёзма, фан, илмий адабиёт.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач ҳуқуқий демократик давлат яратиш асосий мақсадларимиздан бири этиб танланди. Тарихий тажрибадан келиб чиқиб, барча соҳаларда амалга оширилгани сингари, муаллифлик ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган бир қатор қонунлар қабул қилинди ва илмий тадқиқотлар амалга оширилди. Мақолада келтириб ўтилган даврда Бутуниттифоқ муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш бошқармасининг Ўзбекистон бўлими га қарашли бўлиб ва бўйсиниб фаолият олиб борган. Жумладан: илм-фан соҳасида муаллифлик ҳуқуқи ва унинг ҳимояси тарихи билан боглиқ ҳолатларни алоҳида такидлаш зарур.

Муаллифлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда ҳуқуқий асосларнинг мавжудлиги, муаллифларнинг ҳуқуқлари тامينланаётганлигини англатмаслиги мумкин. мамлакатимизда муаллифлик ҳуқуқи ҳимояси, бугинги кунга қадар узоқ тарихни босиб ўтди. Бошқа соҳалар билан бир қаторда муаллифлар ҳуқуқи муҳофозаси ҳам марказда жойлашган Бутуниттифоқ муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш бошқармасининг (БМҲҚБ) кўрсатмалари ва топшириқлари асосида фаолият олиб борган. Муаллифлар ҳуқуқи ҳимоясида илм-фан соҳаси алоҳида ўрин тутди. Илм-фан соҳаси вакилларига шароит яратиш бериш ҳамда улар яратган асарларни ҳуқуқий ҳимоя қилиш ҳар бир жамиятнинг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади. Жамиятда илмий кашфиёт муаллифларининг ҳуқуқларини тامينлашда, уларни ҳимоя қиладиган ҳуқуқ нормалар муҳим рол ўйнайди[1].

Муаллифлик ҳуқуқи - асарни илмий ёки бошқа ташкилотда яратган ходимга тегишли. Бунда ишдан фойдаланиш тартиби ташкилот томонидан ва муаллифга ҳақ тўланган ҳолатлари асардан фойдаланилган. Бу СССР ва Иттифоқ Республикалари қонунчилиги билан белгиланган[2].

Юридик шахслар учун муаллифлик ҳуқуқи СССР ва иттифоқ республикалари қонунларида белгиланган ҳолларда ва чегараларда тан олиниши, илмий ёки бошқа ташкилотда расмий топшириқни бажариш



жараёнида яратилган асар муаллифи ушбу асарга муаллифлик ҳуқуқига эга бўлиши, муаллифнинг асаридан бошқа шахслар томонидан фойдаланишга фақат муаллиф ёки унинг меросхўрлари билан тузилган шартнома асосида йўл қўйилиши, ҳар бир нашр этилган асар, асарнинг яхлитлиги ва мазмуни сақлаб қолинган ҳолда, унинг розилигисиз, лекин муаллифни хабардор қилган ҳолда бошқа тилга таржима қилиниши, бошқа тилга таржима қилинган асардан фойдаланганлик учун ҳақ олиш ҳуқуқи иттифоқ Республикаларининг қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда асл нусха муаллифига тегишли бўлиши, таржимон ўзи қилган таржима учун муаллифлик ҳуқуқига эга бўлиши белгиланган[3].

Мамлакатимизда илм-фан соҳасини ривожланишида илмий тадқиқот институтлари ўрнини такидлаш зарур. 1929-йилда эса Бутуниттифоқ пахтачилик илмий тадқиқот институти ташкил этилди. Илмий тадқиқот муассасалари кенгайиши, бу ташкилотларга раҳбарлик қилувчи Республика Комитети тузилишига олиб келди. Бу комитет 1932-йил 4 октябрда Ўзбекистон ССР Марказий Ижроия Комитетининг қарори билан ташкил этилган эди. Фан комитети 1934-йил 1-июлда Ўзбекистон ССР Халқ Комиссарлари совети ихтиёрига топширилди.

Илм-фан соҳаси вакилларига муаллифлик ҳақларининг тўланиш ҳолатлари билан боглиқ айрим маммоли ҳолатлар ҳам дастлабки даврларда кузатилган. Жумладан: Меҳнат шартномасида ўзига Юкланган вазифалар асосида асар яратган корхона ёки муассасанинг доимий ишчиси муаллифнинг муаллифлик ҳақи эмас, балки иш ҳақини олади.

Университетлар ва илмий-тадқиқот муассасаларининг ходимлари томонидан расмий топшириқ тартибида бажарилган ишларни нашр етганлик учун ҳақ тўлаш масаласига алоҳида эътибор қаратиш лозим. 1936 йилда бу масала Ўзбекистон ССР муаллифлик ҳуқуқи тўғрисидаги қонунда бевосита ҳал этилган.

Ушбу қонуннинг 14-моддасига биноан, муассаса ходимларида муаллифнинг мавжудлиги уни меҳнат шартномасида назарда тутилган ишларни бажариш тартибида у томонидан яратилган асарларига муаллифлик ҳуқуқидан маҳрум қилмаслиги такидланган эди. Аммо кейинчалик илмий муассасалар ва олий ўқув юртлари ходимлари томонидан расмий топшириқ тартибида бажарилган илмий ишлар учун гонорар тўлаш тақиқланган[4].

СССР Фанлар Академияси Президиуми роялти[5] тўланмаслиги аниқланди: а) СССР Фанлар Академияси ходимлари томонидан илмий-тадқиқот ишлари режасини бажариш учун тайёрланган институтлар (лабораториялар) мавзусига оид қўлёзмалар ёки индивидуал расмий

номзодлик диссертациялари, шунингдек режалаштирилган бўлиб бажарилган ва кейинчалик диссертация сифатида ҳимоя қилинган илмий ишлар; в) СССР Фанлар Академияси ходимларининг институт материаллари сериясида нашр етилган асарлари; д) кичик тиражли махсус нашрлар (тор идоровий бюллетенлар, тезислар, илмий маърузалар тезислари, кўрсатмалар ва бошқалар.), тор доирадаги ўқувчилар учун мўлжалланган ва буюртма қилинган нашрлар тартибида ва бошқа асарлар учун тўланмаслиги таъкидланди. Мустасно ҳолатини алоҳида таъкидлаш лозимки, белгиланган роялти тўлашни таъқиқлаш фақат расмий топшириқ тартибида бажарилган илмий ишларга тааллуқлидир, аммо агар илмий иш, ҳеч бўлмаганда унинг бир қисмида, расмий топшириқдан ташқарида бажарилган бўлса, роялти тўланган[6]. Республикадаги кўпгина илмий муассасаларнинг фаолиятини бирлаштирган Фан комитети 1940-йил 9-январда СССР фанлар академиясининг Ўзбекистон Филиалига айлантирилган эди[7].

Мамлакатимизда шубу ташкилотларнинг ташкил этилиши илм-фан соҳасида фаолият олиб бораётган муаллифларимиз учун ижобий ҳолат эканлигини таъкидлаш мумкин.

Тошкент педагогика институти профессори Миртов А. Педагоглар учун "Ўзбек педагогика олий ўқув юртлари гуруҳлари учун рус тили грамматикаси" номли қўлёзмани Ўзбекистон ССР Маориф вазирлиги 1947 йил 9 сентябдаги йигилишида тайёр дарслик эмас ва жиддий қайта кўриб чиқишга муҳтож деб топган[8].

Тошкентда бўлган даврда профессор А. Миртов таълим вазирлиги томонидан тўпланган кенг педагогик таркибга Ўзбекистон ССР педагогика институтларининг Ўзбек гуруҳлари учун ўта зарур бўлган ушбу дарсликни нашр этиш зарурлиги тўғрисида маъруза қилган эди.

А. Миртов қўлёзмалар топширилган кундан бошлаб Маориф вазирлигидан дарсликлар сифати пастлиги ҳақида ҳеч қандай изоҳ олмаган, муаллифлик гонорарини ҳам, тақдим этилган материал миқдоридан келиб чиққан ҳолда, унинг миқдорини ҳам олмаган. профессор А. Миртовнинг минимал талаби бўйича гонорар 36,0 минг рубл миқдорида белгиланди. Юқоридагиларни инобатга олиб, БМХҲБнинг Ўзбекистон бўлими Ўзбекистон ССР Маориф вазирлигининг муаллифга муаллифлик ҳақини тўлаш нияти бор йўқлигини билиш мақсадида мурожаат қилиб, маълумот беришни сўраган эди[9]. СССРда кашфиётларни давлат томонидан текшириш ва рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги қарор 1947 йил 14 мартда СССР Вазирлар Кенгаши томонидан қабул қилинган эди. "Ихтиролар ва кашфиётлар қўмитаси" томонидан муаллифлар яратган ихтиро ва кашфиётлар рўйхатдан ўтказилиши билан бир қаторда уларни ҳимоя қилиш вазифаси ҳам топширилган[10].

СССР Вазирлар Кенгашининг 1956 йил 23 февралдаги 274-сонли қарорида



Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалиги вазирлигига бўйсунадиган бир қатор илмий-тадқиқот институтлари ва олий ўқув юртларида рўйхатдан ўтказиш белгиланган. Илмий тадқиқот институтларининг ҳисоботларига кўра

бажарилган илмий-тадқиқот ишлари, қўпол бузилган. жумладан: 1959 йилда 231 та илмий тадқиқот мавзуси тугалланган бўлиб, улардан фақат 7 та мавзу Ихтиролар ва кашфиётлар қўмитасида рўйхатга олинган; 1960 йилда 279 та мавзу тугалланган бўлса, уларнинг ҳеч бири рўйхатга олинмаган. Илмий-тадқиқот натижаларининг рўйхатдан ўтказилмаганлиги муаллифларнинг муаллифлик ҳақларининг ололмаслиги ва тадқиқот натижасини ҳимоя қилинмаслиги билан боғлиқ муаммоларни келтириб чиқарган.

СССР Вазирлар Кенгашининг Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалиги вазирлигига бўйсунадиган илмий-тадқиқот институтлари ва олий ўқув юртлари томонидан тугалланган илмий-тадқиқот ва экспериментал ишларни рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги Фармонининг бажарилишини яхшироқ назорат қилиш ва ушбу асарларда давлат ва муаллифлик ҳуқуқининг устуворлигини ҳимоя қилишни таъминлаш мақсадида қарор қабул қилган эди. Илмий-тадқиқот институтлари ва таълим муассасалари директорлари

1961-йил 1-декабргача Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг тегишли бошқармасига 1959 ва 1960-йилларда тугалланган илмий-тадқиқот ишлари бўйича аннотацияларни СССР Вазирлар Совети ҳузуридаги Ихтиролар ва кашфиётлар қўмитасида рўйхатдан ўтказиш учун тақдим этсин, муаллифлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида илмий тадқиқот ишларини Комитетда рўйхатдан ўтказишдан олдин уларнинг очиқ матбуотда еълон қилинишини тақиқлайди[11].

60-йилларнинг охирларида таълимни ривожлантиришга бўлган ҳаракатлар натижасида сифатли дарсликларга бўлган талабни ҳам оширди.

Юқори талабларни ҳисобга олган ҳолда барқарор Бутуниттифоқ мактаб дарсликлари, шунингдек уларни оммавий муомалада нашр етиш зарурати, СССР Вазирлар Кенгаши 1967-йил 3 июндаги 502-сонли "мактаб дарсликларини тайёрлаш ва нашр етишни такомиллаштириш ва ўқувчиларни улар билан таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида" ги қарорига биноан, истисно тариқасида, "Барқарор Бутуниттифоқ мактаб дарсликлари"ни муаллифларига икки баравар роялти тўлаш белгиланган[12].

СССРнинг умумтаълим мактаблари учун дарсликларни яратиш бўйича танловлар тўғрисидаги намунавий низом СССР Таълим вазирлигининг 1968 йил 22 февралдаги 15-сонли қарори билан тасдиқланган ва шу вазирликнинг 1969 йил 6 майдаги 25-сон буйруғи билан ўзгартирилган.

Олий, ўрта махсус ва ўрта ўқув юртлари учун юқори сифатли дарсликлар

яратиш бўйича ишларни рағбатлантириш мақсадида ҳар бири 5000 рубл миқдорида тўртта қўшимча СССР Давлат мукофотлари таъсис этилган[13].

Давлат мукофотлари олган муаллифлар келтириб ўтилган миқдордаги пул маблағлари билан мукофотланган.

Ўзбекистон ССР министрлар Советининг 1980-йил 16-июндаги Фан, адабиёт ва санъат асарларини нашр этиш учун муаллифлик тўловлари ставкалари тўғрисида 425-сонли қарори қабул қилинди. Фан, адабиёт ва санъат асарларини нашр этганлик учун муаллифлик тўловларини тўлашни янада тартибга солиш мақсадида: Бадий, сиёсий, илмий, ишлаб чиқариш-техник, ўқув ва бошқа адабиётлар, мусиқа ва мусиқий-адабий асарларни нашр этганлик учун муаллифлик ҳақи ставкалари ҳамда ушбу асарларни таҳрир қилиш ва тақриз қилиш учун тўлов миқдори белгилаб берилди.

А) Асл адабий ва бадий асарлар 1 - (илова)

№	Иш тури	Айланиш даражаси (минглаб нусхада)	40,000 босма белгилар учун – муаллифнинг лавҳа учун ҳақ ставкалари (рублда)	Бутун иш учун роялти ставкалари (рублда)
1.	Мунтазам нашрлар Бадий адабиёт (шу жумладан болалар учун, шунингдек, илмий фантастика, спектакллар, сценарийлар)	15	175, 200, 250, 300, 350, 400,	-
2.	Битта муаллифнинг варагига қадар бадий ҳикоя	-	-	165, 225, 270, 330, 400



[14]

4.	Насрда халқ ижоди асарларини ёзиб олиш ва қайта ишлаш	15	115, 130, 175, 185, 200	-
9.	Мактабгача ва бошлангич мактаб ёшидаги болалар учун асарлар (насрда 1 муаллифлик варағигача,)	30	-	175, 215, 270, 330, 400
10.	Болалар учун адабиёт асарларини қайта ишлаш			
	а) 1 муаллифлик варағига	30	-	85, 115, 135, 160, 200
	б) 1 дан ортик муаллифлик варағиси	20	85, 115, 135, 160, 200	-
11.	Болалар учун оммабоп илмий адабиёт	30	165, 220, 275, 300	-
12.	Адабий-танқидий, адабий ва бадий танқид асарлари	10	165, 250, 330, 400	-
13.	Адабий-танқидий, шарҳлар(0,5)муаллифлик варағигача)	-	-	115, 140, 165, 185, 200

[15]. Жадвалда келтириб ўтилган бажарилиши мумкин бўлган иш, унинг ҳажми ва тўланиши режалаштирилган гонорар миқдорлари келтириб ўтилган. Аммо расмий асарлардан фойдаланганлик учун ҳақ барча ҳолларда тўланмайди. Қоида тариқасида, режалаштирилган илмий ишларни нашр этиш учун роялти тўланмайди, бундан дарсликлар бундан мустасно (улар дарслик сифатида тан олинганидан кейин). Декоратив-амалий санъатнинг "хизмат" асарларини яратган саноат корхоналарининг доимий ходимларига улар тақдорланган тақдирда, лекин камроқ миқдорда ҳақ тўланади..

Муаллифнинг "расмий" асарларни нашр етганлик учун ҳақ тўлаш

ҳуқуқини амалда амалга ошириш қўйидагича амалга оширилади: нашриётнинг (ёки шунга мувофиқ даврий нашр таҳририятининг) илтимосига биноан муаллиф тақдим этиши шарт. унинг иши режалаштирилган эмаслиги тўғрисида гувоҳнома расмий вазифани бажариш учун илмий муассаса ёки университетда яратилган иш ёки иш жойида якунланган диссертация. Дарсликлар ёки ўқув қўлланмаларини нашр этишга ҳар қандай ҳолатда ҳам ҳақ тўланади. Ташкилот сертификат беришдан бош тортган ёки асарни режалаштирилган илмий иш сифатида нотўғри таснифлаган тақдирда, муаллиф низони судда кўриб чиқишни талаб қилиши мумкин[16]. Муаллифларнинг ҳуқуқлари бузилган тақдирда уларнинг бузилган муаллифлик ҳуқуқларини тиклаш имкониятлари мавжуд бўлган. Юқорида номи келтириб ўтилган муаллиф профессор А. Миртовнинг ҳам судга мурожаат қилганлиги ҳақида архив ҳужжатларда маълумотлар ўрганилмоқда.

Хулоса ўрнида шуни алоҳида такидлаш мумкинки, мамкалатимизда муаллифлик ҳуқуқларининг ҳимоя қилиниши узоқ йиллик тарихга бориб тақалади. Жумладан: илм-фан соҳаси муаллифларининг ҳуқуқларининг тامينлаш борасида БМХҲБ Ўзбекистон бўлими фаолиятида ижобий ҳолатлар билан бир қаторда салбий ҳолатлар содир бўлганлигини кузатиш мумкин. Бу даврида маҳаллий муаллифларимиз асарлари ва илмий тадқиқотлари яратишда совет давлатининг гоёвий курашлари таъсири остида олиб борилган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1. В. И. Серебровский. правовая охрана научных открытий в СССР. – Издательство Академии наук СССР. Москва. 1960 г. Стр 12.
2. Д. М. Сутулов. Авторское право, издательские договоры, авторский гонорар. "Юридическая литература". Москва. 1974 г. Стр 22.
3. ЎзМА, Р.2432-фонд, 1-рўйхат, 81-иш, 62-варақ.
4. В. И. Серебровский . Вопросы советского авторского права. – Издательство Академии наук СССР. Москва. 1956 г. Стр 152.
5. РОЯЛТИ- ройялти (инг. royalty – қирол имтиёзлари) – 1) лицензия бўйича товарлар, ихтиролар, патентлар, ноухау, фильмлар прокати ва б. дан фойдаланиш ҳуқуқи учун олинган фойдадан даврий ажратмалар шаклидаги лицензия мукофоти.
6. В. И. Серебровский . Вопросы советского авторского права. – Издательство Академии наук СССР. Москва. 1956 г. Стр 153.
7. Султонов Ғ.С. Ўзбекистон ССРда фан, олий ва ўрта таълимнинг равнақи. Тошкент. "Қизил Ўзбекистон", "Правда востока" ва "Ўзбекистон сурх" бирлашган нашриёти. 1961 й. 9-бет.



8. ЎзМА, Р.2432-фонд, 1-рўйхат, 44-иш, 28-варақ.
9. ЎзМА, Р.2432-фонд, 1-рўйхат, 44-иш, 55-варақ
10. "Известия:", 1947 йил 1 май.
11. ЎзМА, Р.90-фонд, 10-рўйхат, 586-иш, 131-варақ.
12. Д. М. Сутулов. Авторское право, издательские договоры, авторский гонорар. "Юридическая литература". Москва. 1974 г. Стр 141.
13. Д. М. Сутулов. Авторское право, издательские договоры, авторский гонорар. "Юридическая литература". Москва. 1974 г. Стр 135.
14. ЎзМА, Р.837-фонд, 41-рўйхат, 5088-иш, 137-варақ.
15. ЎзМА, Р.837-фонд, 41-рўйхат, 5088-иш, 138-варақ.
16. Э. П. Гаврилов. Советское Право, Издательское договоры, Авторской гонорар. - издательство "Юридическая литература". Москва - 1988 г. Стр 31.

Аннотация

Ушбу мақолада мамлакатимизда муаллифлик ҳуқуқи тарихида илм-фан соҳаси вакилларининг яратган асарларини ҳимоя қилиш билан боглиқ ҳолатлар айрим манбалар ва архив ҳужжатлари орқали таҳлил қилинган ва илмий хулосага келинган. Шуниндек илмий тадқиқот олиб борган муаллифларга яратган асарлари учун муаллифлик ҳақларини тўлаши борасидаги норматив-ҳуқуқий асослардан мисоллар келтирилган.

Калит сўзлар: муаллифлик ҳуқуқи, илм-фан, илмий кашфиёт, давлат арбоби, дарслик, кашфиётлар, қўлёзма, фан, илмий адабиёт.

Аннотация

В этой статье были проанализированы и доведены до научного заключения случаи из истории авторского права в нашей стране, связанные с защитой произведений, созданных представителями данной области науки, с помощью определенных источников и архивных документов. Авторам, проводившим такие научные исследования, приводятся примеры нормативно-правовой базы для выплаты авторских гонораров за созданные ими произведения.

Annotation

In this article, cases in the history of copyright in our country related to the protection of the works created by representatives of the field of science were analyzed and brought to scientific conclusion through certain sources and archival documents. The authors who conducted such scientific research are given examples of the normative legal framework for the payment of copyright fees for the works they created.

Keywords: copyright, Science, Scientific Discovery, statesman, textbook, discoveries, manuscript, science, scientific literature.



TADQIQOT

ADABIYOTLAR:

1. Nizomiddin Shomiy, "Zafarnoma", 1999 yil, "Fan" nashriyoti. Toshkent.
2. Hamid Ziyoyev, "Tarixning ochilmagan sirlari", 2003 yil, "Mehnat" nashriyoti, Toshkent
3. Ishoq Rajabov, "Maqomlar", 2006 yil, "San'at" nashriyoti, Toshkent.
4. Mavkulov A. Madaniyat va tafakkur o'zgarishlari. Toshkent.: 2004 y.
5. Axmedova E, Gubaydullin R.. KulturalogiY. Mirovaya kultura. Tashkent.: - 2001 g. "Akademiya" xudojestv Uzbekistana.

Internet ma'lumotlari:

1. "Moziydan sado" jurnali - www.moziy.dostlink.net
2. www.aim.uz.
3. www.literature.uz.
4. www.Ziyo.net.uz.
5. https://uza.uz/uz/posts/amir-temur-va-musiqa_255799
6. <https://shosh.uz/amir-temur-va-temuriylar-davrida-sanat-va-madaniyat/>

